O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● 1998 йил 14 март, шанба ● № 21 (11.004) ● Эркин нархда сотилади

## НАВРЎЗ КЕЛДИ БИЗНИ СЎРОҚЛАБ

КЎКЛАМ КИРДИ...

Оёқ боссанг кўпчиб кетадиган ердан таниш ҳовур кўтарилади, дарахт шохларидаги бўрта бошлаган куртакчалар эса юракка қандайдир соғинчли туйғулар улашади. Ногаҳон мана шу лаҳзаларни кутиб тургандай қушчалар баландроқ сайрашга тушдилар, деҳқонлар далага шошилдилар, музлари бутунлай эриб улгурмаган ариқ четларида ям-яшил майсалар бош кўтарди... Энди бу ёғи Наврўз! Ич-ичингдан бир нидо отилганини ўзинг ҳам сезмай қоласан киши. АССАЛОМ, ГЎЗАЛЛИК ФАСЛИ, АССАЛОМ ЯНГИ ОРЗУ УМИДЛАР!..

Минг шукрки, юртимизда яхши кунлар кўп. Яхши байрамлар ҳам! Одамлар орзиқиб кутадиган, шоду-хуррамлик билан нишонлайдиган бу байрамларнинг ҳаммаси ҳам ўзига яраша аҳамиятли, ўзига яраша шукуҳли. Аммо, Наврўз ўзининг мазмун-моҳияти билан халқимизнинг дилига сингиб кетган энг қадимий, энг эътиборли байрамлардан ҳисобланади. Азалий анъаналаримиз, асл қадриятларимизни мужассам этувчи бу қутлуғ айём ҳар бир хонадонга, ҳар бир қалбга эзгулик олиб киради. Рўйи заминда чинакам покланиш, янгиланиш, уйғониш фасли бошланади. Ҳар қандай мафкурадан, сиёсатдан ҳоли бўлган бу умумхалқ байрами ўзининг меҳр-оқибатга, савоб ва саҳоватга йўғрилганлиги билан ҳам қадрлидир.

Наврўз барча мусулмон давлатларида турлича нишонланади. Аммо, ҳаммасининг мазмуни бир — юртни обод қилмоқ, урушларни тўхтатмоқ, ночорларга ёрдам бермоқ, халқни эзгу ишларга чорламоқ... Бизда ҳам шундай. Бу ниятлар момларимизнинг халқона қўшиқларида, боболдеҳқонларимизнинг алп йигитлар янглиғ гурсиллатиб кетмон уришларида, болажонларимизнинг мусаффо осмон бағрига баланд-баланд варраклар учиришларида, онажонларимизнинг минг бир дуо билан сумалак ва халимлар тайёрлашларида намоён бўлади бу туйғу.

Яхшиликка ёмон назар билан қаровчи кучлар ҳамма замонларда бўлган. Уларнинг қилмишлари туфайли эзгу мақсадлар топталган, элдан узоқлаштирилган. Наврўз ҳам ана шундай зарбаларга учраган, анча вақтлар салбий талқин остида яшаган байрамдир. Шукроналар бўлсинки, юртимизда Мустақилликнинг эълон қилиниши, осмонимизда узоқ кутилган озодлик қуёшининг порлаши НАВРЎЗНИНГ ҚАДДИНИ ЯНА РОСТЛАДИ. Юртимизда Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида улуғ қадриятларимиз, анъаналаримиз тиклана бошлади, тарихимизга янгича кўз билан ёндоша бошладик. Ўзлигимизни англадик. Маънавият, маърифат бош масалага айланди. Бу эса — юртни авайламоқ, инсонни қадрламоқ, юксак келажакни таъминламоқдир. Аслида Ватанимизда кечаётган ҳар бир осойишта, қизғин меҳнатга тўлиқ кунларнинг ўзи катта бир байрам, бу кунларнинг ҳар бирини бир Наврўзга тенглаштирсак арзийди. Шундай пайтда ҳазрат Алишер Навоийнинг машҳур "ҲАР ТУНИНГ ҚАДР ЎЛУБОН, ҲАР КУНИНГ ЎЛСУН НАВРЎЗ" деган ҳикматли сатрларини яна бир карра юракдан ўтказади, одам.





Ҳа, бугун юртимизда Наврўз нафаси, ҳамманинг қалбида байрам шукуҳи. Буни ҳатто, таҳририятга келаётган мактублардан, телефон қўнғироқларидан ҳам билса бўлади. Вилоятнинг турли чеккаларидан келаётган ҳаваскор ижодкорлар ийманибгина эшик қоқишади: "Наврўзга бағишлаб шеър ёзувдим. Газетада чиқарса бўлармикин?" Шеърларнинг аксарият кўпчилиги машқлардан иборат бўлсада, улардаги руҳ, ватанга бўлган муҳаббат, эзгу ният дилингга қандайдир ҳузур-ҳаловат бағишлайди. Ҳа, обод ва озод юртнинг шоирларигина гўзаллик ҳақида, эзгулик ҳақида мана шундай тўлиб-тўлиб, ашъор бита оладилар! Қибрайлик Рўзимат бобо ҳам Наврўз баҳона шу юрт ҳақида бир шеър қоралабдилар:

***Тупроғи гавҳар-у, сувлари шифо,***
***Бехиштдай муборак масканим, тахтим,***
***Қалбимдан таралгай мангу бир нидо —***
***Сен билан ҳамиша иқболим, бахтим!***

Ҳа, юртимизда ҳамиша байрам бўлсин. Халқимизни улуғ бунёдкорлик ишларига бошлаётган юртнинг асл фарзандлари омон бўлсинлар. Ватанимизнинг бебаҳо Наврўзга қиёс бўла олгувчи МУСТАҚИЛЛИК БАҲОРИ ҚАДАГАН НИҲОЛ — ЭЗГУЛИК ДАРАХТИ КЎККА БЎЙ ЧЎЗСИН, ГУЛЛАСИН, МЕВА БЕРСИН!..

***Зарифа ЭРАЛИЕВА.***

---

*ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА*

## ЧОРА-ТАДБИРЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

12 март куни Вазирлар Маҳкамасида айрим вазирлик ва идоралар, ташкилотлар ҳамда Тошкент вилоятидаги ҳокимликлар раҳбарлари иштирокида мажлис бўлди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда бу йилги кўклам-ёз мавсумларида Тошкент вилоятида сел ва тошқинлар, қор ва тупроқ кўчкилари ҳамда уларнинг оқибатида етказилиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олиш чора-тадбирлари муҳокама этилди. Бу масала юзасидан Фавқулодда ишлар вазири Р.Аҳмедов маъруза қилди. Бундай ҳодисаларнинг олдини олиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида "Ўзбекгидрогеология" ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Р.Ниёзов, "Ўзавтойўл" концерни раиси М.Абдуллаев, Ангрен шаҳри ҳокими Ҳ.Асадов, Оҳангарон ва Бўстонлиқ туманлари ҳокимлари Ў.Иброҳимов ва А.Абдувосиқов, Ички ишлар вазирининг ўринбосари Б.Парпиев ахборот бердилар.

Мажлисда қайд этилганидек, кучли ёмғир ва қор ёққани туфайли тошқин ва сел оқимлари пайдо бўлиши мумкин. Бундай воқеалар содир этилиши эҳтимоли, уларнинг тоғ туманларидан ўтиш вақти ва миқдори ҳаво ҳароратининг кескин ўзгаришига боғлиқ. Кўп йиллик тажрибаларнинг кўрсатишича, Тошкент вилоятида тошқин ва кўчки ҳолатлари ҳар йили март-май ойларига тўғри келади. Бу йил январь-февраль ойларида ҳамда март ойининг биринчи ўн кунлигида олдинги йиллардагидан анча кўп қор ёғди. Фарғона водийсидаги дарёлар ҳамда Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари ҳавзасида одатдагидан икки баравар кўп қор ёғди. Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари ҳавзаларида 10 мартга қадар ҳар йилги меъёрдан қарийб 60 фоиз кўп қор ёғди. Гидрометеорология Бош бошқармасининг маълумотига қараганда, қуйи ва ўрта юксак зоналарда қор захиралари меъёридан анча ошиқ бўлиб, қор кўчиши ва кўчки хавфи туғилмоқда. Ҳавонинг кескин ўзгариб туриши пайтида бундай жараёнлар кучаяди. Туман ва шаҳарлар ҳокимликларининг, вилоят ташкилотлари раҳбарларининг бу масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратиши лозимлиги таъкидланди.

Барча масъул тузилмалар, ҳар бир ташкилот ва корхона раҳбарининг шахсан жавобгарлиги, аҳолига фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш ҳамда бундай вазиятлар вужудга келганида улар қандай йўл тутиши лозимлиги тўғрисида ўз вақтида берилган ахборотгина фалокат кучини камайтириши ва ортиқча сарф-харажатнинг олдини олиши мумкин. Тегишли ташкилот ва ҳокимликлар раҳбарларига бу борада муайян топшириқлар берилди.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосари Р.Юнусов, Тошкент вилояти ҳокими Э.Рўзиев иштирок этди.

***(ЎзА).***

---

## БОЛАЛАР ВА ҲУҚУҚ

*Тошкент тумани ҳокимлигида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди.*

Анжуманда Тошкент вилоятида БМТнинг Болалар ҳуқуқлари бўйича халқаро Конвенцияси талаблари қандай бажарилаётгани, шунингдек, аҳоли меҳнат шароитини яхшилаш ва уни ижтимоий ҳимоялашни янада кучайтириш масалалари муҳокама этилди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Э.Рўзиев очди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раиси Г.Йўлдошева маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар мамлакатимизда йўлбошчимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, етук баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича жуда кўп хайрли ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар. 1998 йил Оила йили деб эълон қилингани бунинг яна бир яққол далилидир.

Пойтахт вилоятида ҳам бу борада, хусусан, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳоли меҳнат шароитини яхшилаш ва уни ижтимоий ҳимоялашни янада кучайтириш юзасидан муайян ишлар қилинмоқда. Айни вақтда мазкур масъулиятли вазифа ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек бажариляпти, деб бўлмайди. Болалар ҳуқуқларини тўла таъминлаш учун ҳали кўп иш қилиниши лозим. Ўқув дастурларида эса болалар ҳуқуқлари масалалари тўлиқ ифодасини топмаган.

Йиғилишда, шунингдек, меҳнат қонунчилиги талабларига жиддий риоя қилиш, иш берувчи ва ходимлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни, жамоа шартномаларини янада такомиллаштириш зарурлигига эътибор қаратилди.

***Н.ДУШАЕВ,***
***ЎзА мухбири.***

---

*Вилоят ҳокимлигида*

## БУ — ДОИМИЙ ИШИМИЗ

***ШУ ЙИЛНИНГ 11 март куни вилоят ҳокимлигида вилоят эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссиясининг йиғилиши бўлди. Унда вилоят ҳокимлигининг бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимлари, шаҳар, туман соғлиқни сақлаш бўлимлари раҳбарлари, санитария-эпидемиология станциялари бош шифокорлари, тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар. Йиғилишни Тошкент вилояти ҳокими Эркин Рўзиев бошқарди.***

ЙИҒИЛИШДА шаҳар ва туманларда санитария ҳолати ҳамда ўткир юқумли касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди. Шу масала юзасидан вилоят санитария эпидемиология станцияси бош шифокори Рауф Қосимовнинг ахбороти тингланди.

Йиғилишда таъкидланганидек, жойларда тозалик, саломатлик, санитария чора-тадбирларини амалга ошириш юзасидан маълум ишлар қилинмоқда. Лекин, шунга қарамай, аҳоли орасида юқумли касалликларнинг нисбатан кўпаяётганлиги сезилмоқда. Бунинг асосий сабаби шаҳар ва туманларда санитария-тозалаш ишларининг талаб даражасида ташкил этилмаётганлиги, айниқса, мактаб, боғчаларда зарур профилактик ишларнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, жойлардаги коммунал-хизмат идоралари, санитария-тозалаш автокорхоналари томонидан чиқиндиларни вақтида ташиб кетилмаётганлигидир.

Айниқса, Янгийўл, Чиноз, Зангиота, Тошкент туманларида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашдаги камчиликлар бу ҳудудларда турли юқумли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Йиғилишда йўл қўйилган нуқсонларни тезда бартараф этиш юзасидан қатъий вазифалар қўйилди. Биринчи навбатда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, канализация манбаларининг ишини тартибга солиш, оқава сувларни зарарсизлантириш, ҳар бир шаҳар, туман, қишлоқ, маҳалла ва хонадонларда тозалик ва озодаликка эришиш, чиқиндиларни вақтида олиб чиқиб кетиш, ободонлаштириш ишларини мунтазам давом эттириш асосий вазифалар қилиб белгиланди. Ҳамма жойда бу ишларнинг мавсумий эмас, доимий бўлишини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, санитария-эпидемиология хизмати, тиббиётчиларга бу борада қатъийроқ ҳаракат қилиш, ўз ваколатларидаги вазифаларни бажариш юзасидан зудлик билан қўшимча чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Аҳоли саломатлиги ҳақида қайғуриш атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, тозалик ва озодаликка эътибор бериш, аввало, шу ҳудудлардаги ҳокимликлар, тегишли идора ва ташкилот раҳбарларининг бош вазифасидир. Шунинг учун ҳам ҳокимликлар бу масалада масъулиятни зиммаларига олишлари ва барча саъй-ҳаракатларда бош-қош бўлишлари керак.

Йиғилишда республика Соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов сўзга чиқди.

---

## АСКАР ОМОН БЎЛСА...

***МУСТАҚИЛ Ватанимиз хавфсизлигини таъминлаш, ҳарбий хизматни ўтамоқ вояга етган ҳар бир йигит учун муқаддас бурчдир. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан буён аскар ва зобитларимизнинг ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб етишишлари учун катта эътибор ва ғамхўрлик қилиб келинмоқда. Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмларида интизомни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳам ана шундай ишларнинг бири бўлди.***

ФАРМОНДА сўнгги вақтда айрим ҳарбий қисмларда низомга зид муносабат ҳоллари аниқланганлиги муносабати билан қўшимча чора-тадбирлар кўриш юзасидан қатор вазифалар қўйилган. Хусусан, республика хотин-қизлар қўмитасига ҳарбий қисмларда соғлом ахлоқий муҳитни яратиш, ҳарбий хизматга чақирилувчилар ва ҳарбий хизматчилар ўртасида тарбиявий ишларни яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш, хотин-қизлар қўмитаси қошида доимий фаолият кўрсатувчи комиссия тузиш тавсия этилган эди.

Хотин-қизлар қўмитаси бу борадаги ишларни бошлаб юборди. Яқинда Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова Тошкент вилоятида жойлашган ҳарбий бўлинмаларнинг бирида бўлди. У аскарлар хизмат қилаётган бўлинманинг ётоқхоналари, кутубхона, ошхона, тиббиёт, муассасалари, ёрдамчи хўжаликлари ва бошқа шарт-шароитлар билан танишди. Аскарлар ва зобитлар билан суҳбатлашди.

Ушбу учрашувда вилоят ҳокимининг муовини — хотин-қизлар қўмитасининг раиси Сайёра Хўжаева иштирок этди.

---

*Вилоят ҳаёти*
*янгиликлар, одамлар, воқеалар*

## АРАФАДА ШЕЪРХОНЛИК

***КУНИ кеча Оҳангарон тумани Ойбулоқ қишлоғидаги Муқимий номли 8-ўрта мактабда Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов билан учрашув бўлиб ўтди. Наврўз байрами арафасида уюштирилган ушбу тадбир назм сеҳри инсон маънавияти ва дунёқараши, ҳис-туйғулари ўсишида улкан восита эканини яна бир бор исботлади.***

Тадбирда таниқли ёзувчи Ҳайриддин Султонов, адабиётшунос олим Раҳматулла Иноғомов, шоира Шарифа Салимова ва бошқалар иштирок этишиб, йиғилганларга шоирнинг бетакрор ижоди, адиб қаламига мансуб сермазмун ғазаллари ва шеърлари хусусида сўз юритдилар.

Дарҳақиқат, Эркин Воҳидов асарлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Унинг "Ватан умиди" "Сўзлар чамани" каби шеърлари, қатор китоблари, тўпламлари, аллақачон кўпчилик хонадонлар китоб жавонларидан ўрин олган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказининг вилоят бўлимлари ташаббуси билан уюштирилган ушбу кеча ҳам Наврўз, ҳам шеърият байрамига айланиб кетди.

Шу куни ўқувчилар севимли шоир Эркин Воҳидовнинг ижодидан намуналар ўқишди, қўшиқлар янгради.

***Рўзибой АЗИМ.***

## БАЙРАМ КУНЛАРИ ЯНГРАЙДИ

***БЎКА. Туман маданият ишлари бўлими жамоаси Наврўз байрамига атаб катта концерт дастурини тайёрламоқда.***

Дастурдан Мустақиллик, она-Ватан, тинчлик, дўстлик ва бободеҳқонлар меҳнатини тараннум этувчи қўшиқлар, рақслар кенг ўрин олган. "Ўзбекистон — Ватаним менинг" шиори остида ўтказилган ўтган йилги кўрик-танлов ғолибларидан Орифжон Омонов, шунингдек, хонанда Зафар Расулов, тўгарак раҳбари Собир Нишоновларнинг дилрабо қўшиқлари ҳамда 50 кишидан иборат доирачилар жамоасининг томошалари одамларга мунзур бўлиши турган гап.

Байрам кунлари вилоят кўрик-танловнинг жойлардаги ғолиблари томонидан ижро этиладиган куй ва қўшиқлар ҳам бўкалик меҳнаткашларни хушнуд этади, деган умиддамиз.

***Носир РИХСИЕВ.***

## "АТЛАС"ДА ПИШГАН НОНЛАР

***ПСКЕНТДА "А. Адолат" хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмасини яхши билишади. Унинг хизматидан деярли барча аҳоли фойдаланади. Фирма жамоаси эса фаолият доирасини муттасил кенгайтириб бормоқда.***

Куни кеча бу ерда янги новвойхона иш бошлади. Бунинг учун Болгарияда тайёрланган "Атлас" технологик линияси ўрнатилди. Унинг ёрдамида соатига 6 минг дона 27 хил нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш мумкин. Бу ерда тўрт ишчи ўрни ташкил этилди.

— Ҳозир бозор талабини ўрганяпмиз, — дейди фирма раҳбари Адолат Аҳмедова. — Янги маҳсулотимизга талаб, шубҳасиз, ортиб боради.

***Собир ҲАМИДОВ.***

## ИСТЕЪДОДЛАР ЭЛ АРДОҒИДА

***ЮҚОРИЧИРЧИҚ тумани маданият уйида халқ таълими бўлими ва фан ходимлари касаба қўмитаси ташаббуси билан "ИСТЕЪДОДЛАРНИ излаймиз" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Кўрик-танловнинг асосий мақсади тармоқ ходимлари ўртасида адабиёт, санъат ва бадиий ҳаваскорликни ривожлантириш, шунингдек, яккахон ижрочиларни излаб топишга қаратилган.***

Кўрик-танловда бадиий ҳаваскорлик гуруҳлари ичида 1-ўрта мактаб дўмбирачилари дастаси "Ўзбекистон элимов" қўшиғи учун, яккахон хонандалар орасида 3-ўрта мактабнинг халқ чолғу асбоблари дастаси яккахон хонандаси Мастура Абдураҳмонова "Дугоҳ" қўшиғи учун, бадиий ўқиш бўйича 27-ўрта мактаб ўқитувчиси Лола Жумаилова ғолиб деб топилдилар. "Истеъдодларни излаймиз" кўрик-танловининг мароқли ўтишида туман болалар ва ўсмирлар ижодий маркази бошлиғи Муҳаббат Каримова, туман халқ таълими бўлими услубиётчиси Дариҳа Батаеваларнинг ҳиссалари бор.

***Латифжон МАНСУРОВ.***

## "МЕНИНГ ОИЛАМ..."

***ТОШКЕНТ туманидаги "Ҳасанбой" жамоа хўжалигида туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Оила йилига бағишланган "Менинг оилам — менинг оламим" мавзуида адабий кеча бўлиб ўтди. Кечани туман ҳокимининг муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси М. Қорабоева очиб, йиғилганларни хотин-қизлар байрами билан қутлади.***

Кечага ташриф буюрган республика Маънавият ва маърифат марказининг бўлим бошлиғи, шоира Турсуной Содиқова аёлнинг уйда, кўчада тутган ўрни ҳақида қизиқарли суҳбат ўтказди.

Кечанинг файзли ўтишига хушовоз хонанда Абдулҳай Каримов ҳам муносиб улуш қўшди.

"Ҳасанбой" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Абдумавлон Ҳамдамов аёлларни байрам билан табриклаб, совғалар ҳадя қилди.

***Саидғани САЙДОЛИМОВ.***

